

## ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ОСТИДА БЎЛГАН МАҲАЛЛИЙ СЕЛЕКЦИЯГА МАНСУБ НОКНИНГ “ЗУХРА” НАВИНИНГ БИОКИМЁВИЙ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Мирджамил Мирзиятович Якубов**

катта илмий ходим, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Академик М.Мирзаев  
номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти

**Гулчехра Мирсабитовна Караходжаева**

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий  
тадқиқот институти катта илмий ходими

### АННОТАЦИЯ

Мақолада қишлоқ хўжалиги экинларининг йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ноёб белги ва хусусиятларга эга нокнинг “Зухра” маҳаллий селекцияга мансуб қайта тиклашда мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Нок мевасининг кимёвий таркиби куруқ модда, қанд моддаси ва кислоталик миқдори аниқланди. Мевадаги қанд миқдори Лесная Красавица (эталон) ва Любимица Клаппа (эталон) навларида 12,0 % ҳамда 12,4% ни ташкил қилди. Эталон навларга нисбатан Зухра намунасида 154,1 - 159,2% га кўп бўлганлиги кузатилди.

**Калит сўзлар:** нок, эталон, маҳаллий, биокимёвий, қанд, кислотали, куруқ модда, нав, дегустация.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экинларининг йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ноёб белги ва хусусиятларга эга маҳаллий навларини қайта тиклаш ва уларнинг оригинал уруғчилигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 504-сон қарори, шунингдек, 2019 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4246 “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларида боғдорчилик олдида қўйилган энг асосий вазифалар белгилаб берилган. [1]

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛДОГИЯ

Жаҳон амалиётида замонавий усул ва технологиялардан фойдаланиб маҳаллий қишлоқ хўжалиги

меваги дарахтларини ноёб белги ва хусусиятларга эга, сув танқислиги, шўрга, касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга чидамли комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган навлари йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган навларини қайта тиклаш ва уларни кўпайтириш изланишлари кўплаб учрайди.

Сўнгги йилларда дунёда иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган экологик омиллар селекционер олимлар олдига янги талабларни қўймоқда. Илмий асосланган, тажрибада синалган, сув танқислиги ва қурғоқчилик шароитига мослашувчан, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил навларни кўпайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Республикада йўқолиб бораётган, эскирган, касалликлар билан зарарланган нок боғларини қайта тиклаш, интенсив қимматли хўжалик белгиларига эга коллекцион боғларни барпо этиш зарур. Маҳаллий ва камёб навларни йўқолиб кетишининг олдини олиш учун йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ноёб белги ва хусусиятларга эга маҳаллий нок навларини Республикамизнинг турли ҳудудларидан йиғиб келиш бўйича илмий экспедициялар ташкил этиш ва қайта тиклаш бўйича илмий ишлар олиб бориш бугунги кунда долзарб масала бўлиб келмоқда.

Илмий тадқиқот доирасида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган маҳаллий нокнинг “Зухра” навини Республикамизнинг турли ҳудудларидан йиғиш учун илмий экспедициялар ташкил этиш, уларни соғломлаштириш ва кўчатларни кўпайтириш илмий изланишларини олиб бориш мақсад қилиб қўйилган.

1937-1970 йиллар давомида институт олимлари - В.В.Кузнецов, В.П.Алексеев ва А.К.Павловлар томонидан нокнинг 124 та маҳаллий ва интродукция қилинган навлари ўрганилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқаришга маҳаллий - Шакар мурт, Увази шахрисабзский, Нашпути навлари, интродукция қилинган - Лесная красавица, Вильямс, Бере Лигеля, Раняя из Треву, Любимица Клаппа, Оливье де Серр, Жозефина Мехельнская, Кюре ва Бере Жиффар навлари тавсия этилган [2].

Самарқанд вилоятининг тоғ, тоғолди ҳудудлари тупроқлари оч ва тўқ бўз тупроқлар бўлиб, ёғингарчилик миқдори 350-550 мм ташкил этиб, ушбу ҳудудлар учун янги қурғоқчиликка чидамли нок навларини яратишни тақозо этади. Тоғолди ҳудудлар учун европа гуруҳига мансуб навлар қурғоқчиликка чидамли навлар билан чатиштирилиб, Ласточка, Подарок, Рано, Медовая, Юбилейная, Улутбек, Зухра навлари яратилган [2; 3.].

Bioversity International/UNEP-GEF “In Siti/On farm - халқаро лойиҳаси доирасида Ўзбекистоннинг турли

вилоятларида экспедицион кузатув тадбирлари натижалари келтирилган. Самарқанд вилоятида боғдорчилик билан шуғулланувчи Шодиева Санамой ва Наманган вилояти Тўрақурғон райони “Оқ – тош” қишлоғи, “Турсунбой Шарифбой ” фермер хўжаликларида нокнинг “Зухра” нави аниқланган. Тошкент 2011й. [6].

Мевали ўсимликлар навларини ўрганиш, умум эътироф этилган услублар асосида олиб борилди. Бунда мева ўсимликлари навларини комплекс ўрганиш “Мевали, резавор ва ёнғоқмевали экин турлари навларини ўрганиш дастури ва услуги” (Мичуринск, 1973 ва Орёл, 1999) ҳамда “Мевали, резавор, субтропик, ёнғоқмевали ва узум коллекциялари навларини ўрганиш дастури ва услуги”ларидан (Ленинград, 1970) фойдаланган ҳолда олиб борилди.

### **3.2. Нок навлари меваларининг механик ўлчовлари ва кимёвий таркибини аниқлаш.**

Нок мевасининг кимёвий таркиби академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий–тадқиқот институтининг лабораториясида мева техник этилганда аниқланди. Унда мева таркибидаги қуруқ модда, қанд моддаси ва кислоталик миқдори аниқланди. Ушбу экин учун кимёвий таркиби бўйича қуруқ модда ва қанд миқдори асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Нок меваси таркибидаги қуруқ модда миқдори навлар бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланди: Лесная красавица ва Любимица Клаппа навларида 13,4%; 15,6% ни ташкил этиб кичик кўрсаткичга эга бўлганлиги кимёвий таҳлиллар ўз натижасини кўрсатди. Навлараро нок мевасининг кимёвий таркиби Зухра навида энг юқори қуруқ модда тўплагани таҳлил қилинди. Лесная красавица навига нисбатан қуруқ модда Зухра навида 149,2% га кўп бўлганлиги аниқланди.

Мевадаги қанд миқдори Лесная Красавица (эталон) ва Любимица Клаппа (эталон) навларида бир бирига яқин бўлди ва 12,0 % ҳамда 12,4% ни ташкил қилди. Эталон навларга нисбатан Зухра намунасида 154,1 - 159,2% га кўп бўлганлиги аниқланди.

Лесная Красавица (эталон) ва Зухра навининг мевадаги кислоталик миқдори орасидаги фарқ кам бўлганлиги аниқланди. Зухра навига нисбатан Любимица Клаппа (эталон) мевасидаги кислоталик миқдори 207,6% га кўп бўлганлиги кузатилди.

1 - жадвал

**Турли нок навлари меваларининг кимёвий таркиби**

№	Навлар	Идона меванинг ўртача ўлчами			Меванинг кимёвий таркиби,%		
		оғирлиги, г	баландлиги, см	диаметри см	қуруқ модда	қанд моддаси	кислота лилик
1	Лесная красавица (эталон)	124	7,2	6,1	13,4	12,0	0,12
2	Любимица Клаппа (эталон)	145	7,6	6,6	15,6	12,4	0,27
3	Зухра	159	8,1	6,9	20,0	19,1	0,13

**3.3. Нок навлари меваларини баҳолаш**

Нок навлари меваларида истеъмолбоп, етилган даврда баҳолаш учун дегустация ўтказилди. Бунинг учун яхши ривожланган, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмаган мевалар танлаб олинди. Баҳолаш институт бўлим бошлиқлари, илмий ходимлардан иборат дегустаторлар жамоаси томонидан ўтказилди. Нок навларини баҳолаш мезони нок навларида барча кўрсаткичлар 5 баллик системада ташқи кўриниши, мазаси, ҳиди, ширадорлиги ва бошқа кўрсаткичларини бўйича баҳоланди. (2 - жадвал).

2 – жадвал

**Нок навлари мевасининг дегустацион баҳолаш натижалари**

Нав ва гибридининг рақами	Меванинг ташқи кўриниши	Мевани пишганлик ҳолати	Мева этининг ҳолати	Мева этининг ширадорлиги	Меванинг таъм хусусияти	Меванинг хуш бўйлиги	Мева таъмига берилган умумий баҳо	Барча кўрсаткичлар бўйича умумий баҳо
Лесная Красавица	4,6	4,8	4,6	4,7	4,5	3,2	4,2	4,4
Япония киви ноки	4,1	4,5	4,6	4,8	3,9	3,3	4,5	4,0
Табассум	3,0	3,7	3,2	3,5	3,6	3,0	3,1	3,2
Зухра	4,0	4,8	4,2	4,8	4,6	4,0	4,4	4,6
Осеня Павлова	3,5	3,0	3,0	3,1	2,9	3,0	3,0	3,1

Нокнинг Лесная Красавица, Зухра Табассум, Осеня Павлова ва Япония киви нок навларида дегустацион баҳолаш ўтказилди. Баҳолаш натижаларига кўра ташқи кўриниши, ширадорлиги бўйича Лесная Красавица 4,6-4,7 балл билан баҳоланди.



Осеняя Павлова нави кечки нав бўлиб истеъмолбоп етилмаганлиги сабабли паст баҳоланди. Зухра нави ташқи кўриниши бўйича 4,0 балл, меваларнинг пишиб етилганлик, ширадорлиги кўрсаткичлари бўйича 4,8 балл ва барча кўрсаткичлар бўйича умумий 4,6 балл билан баҳоланди.

### ХУЛОСА

Эталон навларга нисбатан мевадаги қанд миқдори Зухра намунасида 159,2% гача кўп бўлганлиги аниқланди.

Зухра нави ташқи кўриниши бўйича 4,0 балл, меваларнинг пишиб етилганлик, ширадорлиги кўрсаткичлари бўйича 4,8 балл ва барча кўрсаткичлар бўйича умумий 4,6 балл билан баҳоланди.

### REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. ПҚ-4246-сон. “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 март.
2. Павлов А.К. Новые сорта груши для Узбекистана. // Новые сорта плодово-ягодных культур и винограда Узбекистана. Труды НИИСВиВ им. акад.Р.Р.Шредера
3. Шарипов С.К. Лучшие сорта груши народной селекции Узбекистана, «Новые сорта плодово-ягодных культур и винограда Узбекистана». Труды НИИСВиВ им. акад.Р.Р.Шредера, т.ХХIV,Ташкент-1960. С.55-58
4. Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур. – Орел: Всерос. научно-иссл. инс. селекции плодовых культур, 1999. – С. 127-149.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М., Колос. – 1985. – С. 72-85, 167-172.
6. Bioversity International/UNEP-GEF “In Siti/On farm сохрание и использование агробιοразнообразия (плодовые культуры и дикие плодовые виды) в Центральной Азии” демонстрационные сады местных сортов приоритетных плодовых культур халқаро лойиҳаси. Ташкент - 2011й.